

## Қарз масаласи

05:00 / 17.02.2017 3882

Киши молиявий фаолиятида бошқаларнинг қилганига қараб эмас, ўзининг билимига ва имконига қараб иш тутиши лозим. «Фалончи пистон ишни қилиб, бунча пул топган эмиш, мен ҳам шуни қиламан», деб қарзга кириб қолмаслик керак. Ҳозирги қарздорларнинг аксарияти шу қабилда иш тутганлардир.

Мабодо қарз олишга мажбур бўлиб қолганда ҳам, уни олишдан аввал минг бор ўйлаб кўриш керак, ўша қарзни узишга имкони борми, йўқми. Кўчилик қарзга пул топсам бўлди, ишим юришиб кетади, деган фикрда бўлади. Аслида эса пул топганнинг ҳаммаси ҳам бойиб кетавермайди. Агар шундай бўлганида, бугун қарздорлар бу қадар кўпайиб кетмасди.

Қарздор бўлиб қолганлар қарзларини узиш бирламчи вазифаларидан бири эканини бир зум ҳам эсдан чиқармасликлари, қарзнинг узилмай қолиши ҳам бу дунёнинг, ҳам охиратнинг шармандалиги эканини унутмаслик лозим. Агар банданинг нияти содиқ бўлса, қарзини узишга сидқидилдан уринса, Аллоҳ таоло унга ёрдам бериши ҳақдир.

Бир киши қабулимга кириб, китобларимдан бирига имзо чекиб беришимни сўради. Сўнгра: «Қарздор одам қарзини ўтамасдан туриб қилган ибодати қабул эмас, деган гап эшитдим, шу тўғрими?» деб сўради. Мен унга: «Бу гап тўғри эмас, қарзни узишга ҳаракат қилаверади ва ибодатларини ихлос билан адо қилаверади. Қолаверса, ибодатлари давомида Аллоҳ таолодан қарзини узишни осон қилишини сўраб дуолар қилиб туради», дедим.

У киши турли сабабларга кўра ўн беш минг доллардан кўпроқ қарз бўлиб қолганини, қурилишда ишлаб, аста-секин қарзини тўлаб бораётганини, бу ишида қатъий эканини таъкидлади ва дуо сўради. Кейинчалик ҳам тез-тез келиб, ўз ишидан хабар бериб турди. Аллоҳ таоло у бандага ёрдам қилди. Қарзидан қутулди. Оиласининг ҳолати яхшиланди. Фарзандлари билан фаровон турмушда яшаб бориш бахтига муяссар бўлди.

Албатта, мўмин банда бошқа ишларидаги каби, қарздан қутулиш борасида қилаётган фаолияти давомида ҳам доимо Аллоҳ таолодан кўмак сўраб туради. У Зотга илтижо ила дуолар қилади.

**Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф (Қарз ва унга  
боғлиқ масалалар китобидан)**